



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 13 январь, № 8 (7788)

Чоршанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

12 январь куни Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни арафасида Қуролли Кучлар Академиясига ташриф буюрди.



Давлат раҳбари ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ва у ерда яратилган таълим инфратузилмаси объеклари, шунингдек, Қуролли Кучларимизнинг замонавий қурол ва ҳарбий техника намуналари ҳамда миллий мудофаа саноати корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан танишди.

Шундан сўнг Академияда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якуналари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучларнинг раҳбар ва қўмондонлик таркиби, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада ошириш борасида амалга оширилган ишлар, Қуролли Кучларни ривожлантириш

йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари батафсил сарҳисоб қилинди. Вазирлик ва идоралар ҳамда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ушбу йўналишдаги фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Президентимиз томонидан Ўзбекистон Республикасини 2017 — 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида, мамлакат ҳаётининг бошқа жабҳалари билан бир қаторда, ҳарбий соҳанинг энг муҳим йўналишлари бўйича замон талабларига мос қарорлар қабул қилинганлиги, амалга оширилган тизимли ва стратегик комплекс чора-тадбирлар натижасида қисқа давр ичида миллий армиямизнинг жанговар шайлиги ва умуман мамлакатнинг мудофаа қобилияти сезиларли даражада ошгани таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни ривожлантириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ҳамда бу борда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор инновацияларни кенг татбиқ этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берди.

Жумладан, барча даражадаги қўмондонлик ва бошқарув органлари фаолиятини

такомиллаштириш, қўшинларда автоматлаштирилган бошқарув воситалари ва комплексларни жорий қилиш орқали уларнинг ҳамкорликдаги оператив ва жанговар тайёргарлик даражасини ошириш, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш истиқболдаги долзарб вазифалардан бўлиб қолади.

Ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳарбий илмни ривожлантириш борасида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан ҳарбий мижозлар ва замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий санъат тарихини чуқур ўрганиб, қўшинларнинг тайёргарлик усул ва услубларини янада такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бунда ҳарбий таълим тизимида бошланган ислохотларни узвий давом эттириш, олий ҳарбий билим юрталари, лицей ва коллежлар, жумладан, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлари фаолиятини такомиллаштириш, уларда таълим олаётган ўқувчилар қалбида миллий рух, она Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш, буюк аждодларимиз, жумладан, Жалолиддин Манғуберди,

Амир Темур, Шоҳрух Мирзо, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларимизнинг бой жанг санъатидан кенг фойдаланиш муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида барпо этилган “Ғалаба боғи” ва “Шон-шараф” музейи мажмуасини ҳарбий хизматчилар, юртимиз аҳолиси, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарихни ва буюк аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш илмий марказига айлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бугунги кунда глобал ахборот маконидаги қарама-қаршилик, инсон, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалби учун курашнинг кучайиши шароитида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Шунинг учун давлатимиз раҳбари томонидан аҳолининг ва биринчи навбатда, ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тизимини такомиллаштириш, уларни мамлакатимизда амалга оширишга қўллаб-қувватлаш ҳамда ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш ва аҳолининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти ортиб бормоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”, дея таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”, дея таъкидлаб ўтди.

Мамлакатимиз аҳолиси ва ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилнадиган касб-ҳунарга ўргатиш бўйича ишларни ташкил этиш вазифаси ҳам қўйилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”, дея таъкидлаб ўтди.

Бундан ташқари, йиғилишда мамлакат мудофаа саноати комплексини янада ривожлантириш, давлат чегараларини қўриқлаш тизимини такомиллаштириш, фавқулодда вазиятларни прогноз ва мониторинг қилиш ҳамда авария ва техноген ҳалокатларнинг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳарбий оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, соғлом турмуш тарзи ва болалар тарбиясига ёндашувларни намунали даражага кўтариш, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уй-жой билан таъминлаш ишлари келгусида ҳам муҳим ва устувор йўналиш сифатида қолишини қайд этди.

Тадбир якунида давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, биринчи навбатда, халқимизнинг хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган янги Ўзбекистонни барпо этишнинг бош талаби эканини таъкидлади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ ОЛИС ҲУДУДЛАРДАГИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб қолган олий маълумотли мутахассислар меҳнатини янада рағбатлантириш, бўш иш ўринларини тўлдириш ҳамда жойларда малакали кадрларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2021 йил 1 январдан бошлаб: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармонида мудофиқ, олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига (кейинги ўринларда — бюджет ташкилоти) бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга (кейинги ўринларда — олий маълумотли мутахассислар) базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдоридан бир марталиқ бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик пул компенсацияси;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ КОСОНСОЙ, ЧОРТОҚ ВА ЯНГИҚҮРҒОН ТУМАНЛАРИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Наманган вилоятида озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир ҳудудда сабзавот, картошка, дуккакли ва мойли экинларни яхлит майдонларга жойлаштириш ҳамда плантация усулида интенсификация ва мевали боғ ҳамда тоқзорлар барпо этиш орқали маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт ҳажминини ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар: Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида 2021-2022 йиллар ҳосилидан қисқарттирилган галла майдонларига қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларини 2021-2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ҳамда сабзавот, картошка, дуккакли ва мойли экинларга ихтисослаштириш кўрсаткичлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимиз Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб, “Энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида янги электр станцияларини барпо этиш ишларининг бориши бўйича истиқболдаги режалар” мавзусида сийёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирокида мунозара ташкил этилди.

Тадбирга Энергетика вазирилик мутасаддилари ҳам тақдир этилди. Унда Мурожаатномада энергетика соҳаси бўйича илгари сурилган тақдир ҳамда ташаббусларнинг амалиётда рўёбин таъминлаш, жумладан, белгиланган лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш механизми ва муддатлари, эришилаётган натижалар ҳамда алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган масалалар ба- тафсил муҳокама қилинди.

3

Маҳаллий Кенгашлар:

ЯНГИ ТАЛАБЛАР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Танзила НОРБОЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

Президентимизнинг Олий Мажлисга ва парламент орқали халқимизга ҳар йили йўлланадиган Мурожаатномалари нафақат ютуқларимиз, балки муаммоларимизни ҳам рўйроқ кўрсатувчи кўзгу сифатида барча соҳага доир истиқболдаги устувор вазифаларимизни, замонавий ибора билан айтганда, “Йўл хариталари”ни белгилаб олишимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Бу галги Мурожаатнома ҳам келгусидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бергани айна ҳақиқат.

Муносабат

Унда синовларга бой бўлган 2020 йил халқимизни янада жипслаштириб, ҳар биримизни ўз фао-

лиятимизга янгича ёндашишга ундагани ва пандемия келтириб чиқарган қийинчиликларга қарамай,

қатор ютуқларни қўлга киритганимиз мамнуният билан тилга олингани ҳолда, янги бошланган йилда олдимизда турган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Хусусан, маҳаллий Кенгашлар иш фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, маҳаллий Кенгашлар катта куч ва салоҳиятга эга. Бугун республикамизда мавжуд 218 та маҳаллий Кенгашда 6 567 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Агар биз уларнинг имкониятларидан умумли фойдалана олсак, ютуқ ва муваффақиятларимиз ўтган йилдагидан анча салмоқли бўлиши, шубҳасиз.

Хўш, маҳаллий Кенгашларни ҳақиқий маънода халқ вакиллик органига айлантириш учун нималар-

га эътибор қаратишимиз талаб этилади? Бу борада қандай вазифалар олдимизда турибди?

Депутат ҳисобот тинглаш билан кифояланмаслиги керак

Мурожаатномада камбағалликни қисқарттириш борасида ҳудудлардаги ҳақиқий ҳолатга баҳо бериш, амалга оширилаётган ишлар ижросини назорат қилиш Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашлар диққат марказида бўлиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Демак, маҳаллий Кенгашларнинг бу йўналишдаги фаолиятини янги-ча ташкил этиш энг бирламчи вазифадир. Шу мақсадда маҳаллий

Кенгашлар сессияларида ҳокимлар ва сектор раҳбарлари томонидан камбағалликни қисқарттириш борасида амалга оширилаётган ишлар мунтазам равишда муҳокама қилиб боришга қаратилган янги-ча тизим йўлга қўйилди.

Бу нимани англатади? Бу, депутатлар эндиликда сессиялар чакри-риб, фақат ҳисоботларни эшитиш билангина кифояланиб қолмайди, деганидир. Аниқроқ айтганда, камбағалликдан чиқаришга тавсия этилаётган ҳар бир фуқаронинг шароити жойига чиққан ҳолда, атрофича ўрганилади ва ана шундан сўнг қарор қабул қилинади. Қолаверса, бу жараёнда камбағаллик даражасига тушиб қолган бошқа оилаларни рўйхатга киритиш масаласи ҳам ўрганиб чиқилади.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИОЛИС ҲУДУДЛАРДАГИ БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИГА
МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига муғлақ янги механизмлари жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6110-сон Фармонига мувофиқ, тиббий олий таълим ташкилотини охириги 3 йил ичида тамомлаган ва бошқа ҳудудда яшовчи **тиббийёт ходими** (кейинги ўринларда — тиббийёт ходими) **олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларга** (кейинги ўринларда — тиббийёт муассасаси) ишга қабул қилинганда уларга камида 3 йил ишлаб бериш шarti билан **30 миллион сўм** миқдорида бир марталик **бошланғич ёрдам пули**, уй-жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уй-жойлари берилиши ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 баравари** миқдорида **ҳар ойлик пул компенсацияси** берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгиланган қўйилсинки:

мазкур қарорда олис ва чекка ҳудуд деганда, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 471-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган педагог ходимларга махсус устама белгиланадиган ҳудудлар тушунилади;

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайди ҳамда **ҳисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг солиқ солиш объекти ҳисобланмайди**;

мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси ҳамда уй-жойи шaroитини яхшилаш бўйича имтиёзлардан олий таълим муассасасининг бакалаврияти ёки магистратурасини (таълим шаклидан қатъи назар — кундузги, сиртки, кечки, шунингдек, иккинчи мутахассислик) тамомлаганидан кейин **уч йил мобайнида олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари**, шу жумладан, **тиббийёт муассасаларига ишга кирган битирувчилар** фойдаланиш ҳуқуқига эга;

ҳар ойлик пул компенсацияси олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходими ишга қабул қилинган ойдан бошлаб **36 ой** мобайнида тўланади, бунда ходим ушбу ҳудудда шахсий уй-жойга эга бўлганда, унга хизмат тураржойи берилганда ёки у билан тўзилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда, пул компенсацияси тўлаш тўхтатилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходими ҳар ойлик пул компенсациясини олиш учун вақтинча яшаш жойини ва уй-жойни ижарага олганлик учун коммунал хизматлар қийматисиз амалдаги харажатлар суммасини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарига ариза

беради. Бунда, уй-жой ижараси учун ҳақиқатда тўланаётган тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлган тақдирда, ҳар ойлик пул компенсацияси миқдори ҳақиқатда тўланаётган тўлов миқдорига мувофиқ камайтирилади, қолган барча ҳолатларда ҳар ойлик пул компенсацияси базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида тўланади;

ҳар ойлик пул компенсацияси унинг миқдорини кўрсатган ҳолда, тегишли бюджет ташкилоти раҳбарининг буйруғи билан тайинланади ҳамда ушбу ташкилот бухгалтерияси томонидан иш ҳақи билан биргаликда тўланади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги “Навоий вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2925-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарори билан тасдиқланган Судьяларга, суд органлари ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, прокуратура органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган ходимларга уй-жойларни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходими тегишлилиги бўйича олис ва чекка ҳудудда жойлашган бир бюджет ташкилотидан ва (ёки) тиббийёт муассасасидан бошқа бюджет ташкилотга ва (ёки) тиббийёт муассасасига ўтказилганда, ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш белгиланган муддат тугагунга қадар давом эттирилади;

олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходими тегишлилиги бўйича олис ва чекка ҳудудда жойлашган бюджет ташкилоти ва (ёки) тиббийёт муассасасидаги фаолиятини 36 ойгача бўлган муддат ичида тўхтатган тақдирда, бошланғич ёрдам пули тўлиқ ҳажмида бюджетга қайтарилади, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходимининг бюджет ташкилоти ва (ёки) тиббийёт муассасасидаги фаолиятини унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра (ходимнинг вафоти, ногиронлиги бўлган шахс деб топилиши, бюджет ташкилотининг фаолияти тўхтатилиши ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 106-моддасида белгиланган ҳолатлар) тўхтатиши бундан мустасно.

3. **Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходимига бошланғич ёрдам пули тўлаш схемаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. **2021 йил 1 мартдан** бошлаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар жорий қилинсин. Бунда:

бир маъмурий-худудий бирликлар доирасида бошқа туман ва шаҳарлардан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига **50 фоиз**;

бошқа маъмурий-худудий бирликдан келиб фаолият юритаётган ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига **100 фоиз** махсус устамалар тўлансин.

5. Белгилансинки:

таълим даражаси юқори бўлмаган мактабларда дарс бериш учун бошқа ҳудудда камида бир йил ишлаган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагоглар жалб қилинади;

таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати Халқ таълими вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан аниқланади ва жорий йилда 15 февралгача, келгуси йилларда эса ҳар йили 1 сентябрга қадар Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

бошқа ҳудудлардан жалб қилинган олий ва биринчи тоифага эга ўқитувчи-педагогларнинг базавий тариф ставкаларига махсус устамалар улар борган мактаб таълим даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхатидан чиқарилган йилдан кейинги йил учун ҳам тўланади.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра: бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси тегишли бюджет ташкилотининг ҳудудий молия органига берган сўровига асосан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсацияси учун талаб қилинадиган маблағлар тегишли бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида назарда тутилади. Бунда, олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходимининг ишга қабул қилиниши жорий молия йилида рўй берган ҳолатда, бюджет ташкилотининг харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгариштириш киритилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий мезонларига “Олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассислар” мезони киритилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббийёт муассасаларида олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббийёт ходимига бўлган эҳтиёж бўйича

бўш иш ўринлари юзасидан маълумотларни ҳар ой якуни бўйича кейинги ойнинг 5-кунига қадар расмий веб-сайтларида жойлаштириб боссин;

жойларда олий таълим муассасалари битирувчилари билан учрашувлар ташкил этиб, уларни чекка ҳудудларда жойлашган, олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд бўлган бюджет ташкилотларига ишга жалб этиш, шунингдек, ёш мутахассисларга фаолият юритиш учун зарур шарт-шaroитлар яратиш чораларини кўрсин;

жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотлари ва (ёки) тиббийёт муассасаларида бошқа ҳудудлардан келиб фаолият юритаётган олий маълумотли мутахассисларга ва (ёки) тиббийёт ходимларига тегишли ҳудудлардаги захира ерларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой қурилиши учун ер участкалари ажратилишини назоратга олсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 февралдаги 170-сон қарори билан тасдиқланган Уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларни ҳисобга олиш, давлат уй-жой фондидаги тураржойларни тақсимлаш ва тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ қўшимча киритилсин.

10. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда: мазкур қарорда назарда тутилган бошланғич ёрдам пули ва ҳар олий пул компенсациясини солиқ тўловчининг жами даромадига киритилмайдиган даромадлар этиб белгиланган бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгариштириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш, ижрочиларга етказиш ва белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини ташкил қилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А.Қўчқоров ва Б.А.Мусаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2021 йил 11 январьЎзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИНАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ КОСОНСОЙ, ЧОРТОҚ ВА ЯНГИҚЎРҒОН
ТУМАНЛАРИДА МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида 2021-2022 йилларда **озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш прогноз кўрсаткичлари** 4-иловага мувофиқ;

Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида 2021-2022 йилларда амалга оширилиши режалаштирилган **қайта ишлаш ташкилотлари, музлаткичли омборхона ва иссиқхона лойиҳаларининг манзилли рўйхати** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: 2021-2022 йилларда фермер хўжалиқларининг қисқартирилмайдиган ғалла майдонларини **белгиланган тартибда мақбуллаштириш**;

мақбуллаштириш жараёнида туманлар ҳокимликлари захирасига қайтарилган **ер участкалари тўғридан-тўғри инвестиция киритадиган қишлоқ хўжалиги кластерларига, экспорт қилувчи ва қайта ишловчи ташкилотларга, кўп тармоқли фермер хўжалиқларига** ва янги ташкил этиладиган **кооперацияларга белгиланган тартибда ажратилишини таъминлаш**;

мавжуд ер майдонлари ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт ҳажмининг ошириш учун **экинларни яхлит майдонларга плантация усулида жойлаштириш** ҳамда белгиланган **экспортбоп экинларнинг экилишини таъминлаш**;

қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини уч бараварга ошириш учун қайта ишлаш ташкилотлари, **музлаткичли омборхоналар ва логистика марказларини** 2021-2022 йиллар давомида **тўлиқ ишга тушириш** ҳамда ишлашини таъминлаш;

ҳар бир туманда уруғлик ва кўчатлар билан таъминлаш имкониятидан келиб чиқиб, **сабзавот экинлари ва картошка уруғчилигига** ҳамда **мевали дарахт ва ток кўчатлари етиштиришга иختисослашган фермер хўжалиқларини ташкил этиш**;

яроқсиз деб топилган, **иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли** боғ ва тоқзорлар ўрнида **интенсив боғ ва тоқзорлар барпо қилиш** ёки **экспортбоп ва сердаромад** қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш чораларини кўрсин.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков) билан биргаликда Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини янада ривожлантириш, ишларни тизимли

ташкил этиш мақсадида **туманлардаги қишлоқ хўжалиги бўлимларининг вазифаларини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш** чораларини кўрсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Наманган вилоятининг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида **сертификатланган сабзавот, дуккакли ва мойли экинлар уруғларини ҳамда мевали дарахт ва ток кўчатларини етиштирувчи фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари, шунингдек, кластерлар ва кооперацияларнинг уруғлик ва кўчат харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун миллий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми, шунингдек, хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг 30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми** Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) қуйидаги чораларни кўрсин:

а) Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Хамраев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томоғқа ер эгалари кенгаши (А.Хайтов) ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков) билан биргаликда:

ихтисослаштирилаётган ҳудудларда яхлитликка жиддий эътибор қаратган ҳолда **2-3 турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини босқичма-босқич плантация усулида жойлаштириш**;

ҳар бир ҳудуднинг ихтисослашуви, тупроқ-иқлим шaroити, ерларнинг мелиоратив ҳолати, унумдорлиги, сув билан таъминланганлигини ҳисобга олиб ҳамда қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи ташкилотларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда **қишлоқ хўжалиги экинларини тўлиқ экиш**;

б) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахманов) ва Ташқи ишлар вазирлиги (Ф.Арзиев) билан биргаликда Янгиқўрғон туманида органик маҳсулотлар етиштириш учун **хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш**, малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда **фермер хўжалиқлари ва кооперациялар раҳбарларини ўқитиш** ишларини ташкил этиш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков) билан

биргаликда **аҳоли ишсизлигини камайтириш учун** Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманлари ҳокимликлари тасарруфида **захирдадаги яхлит 300 — 500 гектар майдонларда плантация усулида** замонавий технологиялар асосида интенсив **боғ ва тоқзорлар барпо этиб, лизинг асосида етти йил муддатга аҳолига бериш** тадбирларини амалга оширсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Қудратов) тижорат банклари билан биргаликда Наманган вилояти Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари кредитлари, **халқаро молия институтларининг кредит линиялари маблағларини жалб этиш** чораларини кўрсин.

8. Наманган вилояти ҳокимлиги (Ш.Абдуразаков) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Қудратов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) билан биргаликда Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида замонавий технологиялар асосида **мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича йirik кластер корхоналарини ташкил этиш учун хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш** чораларини кўрсин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.Ходжаев) икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

10. Адлия вазирлиги мазкур қарорнинг ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ганиев белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июнь** ва **2021 йил 15 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

Қарор ижросини **ҳар чоракда муҳофиза қилиб бориш**, ижро учун масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2021 йил 11 январь

«Халқ сўзи» учун махсус

«El Mundo Financiero»:

ЎЗБЕКИСТОННИ ИСТИҚБОЛДА
КЕНГ ҚЎЛАМИ ИСЛОҲОТЛАР
КУТМОҚДА

Испан тилида ахборот тарқатувчи нуфузли “El Mundo Financiero” онлайн-нашрида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ёшлар сиёсатига бағишланган мақола чоп этилди.

Унда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни парламентга йўллаган Мурожаатномаси моҳиятган мамлакатнинг 2021 йилга мўлжалланган тараққиёт дастури бўлгани ҳақида сўз юритилган.



Нашрдa дунёда ҳукм суриб турган бугунги мураккаб шароитда Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор вазифа этиб белгилангани таъкидланган.

“Президент 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли санолатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилди, — дейилади мақолада. — 2021 йил кенг қўламли ислохотлар даври бўлиб, улар “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” шiori остида амалга оширилади.”

Муаллифларнинг фикрича, Ўзбекистон келажаги, унинг истиқболдаги тараққиёти, муваффақияти ва фаровонлиги ёш авлод билан чамбар-час боғлиқ. Шу боис йигит-қизларнинг ҳар томонлама тарққий эътириш, ёш авлод учун фаровон ва барқарор келажак барпо этиш мумкин”, деб ёзилади нашрда.

“Ўзбекистонни истиқболда кенг қўламли ислохотлар ва ўзгаришлар кутмоқда. Зеро, белгиланган вазифаларни тўла-тўқис амалга ошириш орқалигина мамлакат ва жамиятни ҳар томонлама тараққий эттириш, ёш авлод учун фаровон ва барқарор келажак барпо этиш мумкин”, деб ёзилади нашрда.

«Дунё» АА.
Мадрид

Маҳаллий Кенгашлар: ЯНГИ ТАЛАБЛАР, ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Мурожаатномада ҳақиқ тарзда айтиб ўтилганидек, камбағаллик масаласини кредит, ижтимоий нафақа ёки уй бериш йўли билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун таълим, соғлиқни сақлаш, касб-хўнарга ўқитиш, ичимлик суви ва энергия таъминоти, йўл инфратузилмаси билан боғлиқ комплекс муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Шу мақсадда бу йилдан "Ижтимоий реестр"да "темир дафтар"даги барча маълумот қамраб олиниб, эҳтиёжманд оилаларга электрон шаклда 30 дан зиёд ижтимоий хизматлар кўрсатиш бошланади.

Шунингдек, "темир дафтар"даги ҳар бир фуқарони камбағалликдан чиқариш бўйича "мотивация, кўникма ва молиявий кўмак" тамойилли асосида янги механизм йўлга қўйилади. Яъни камбағалликдан чиқиб кетиш учун ҳар бир инсонда, аввало, интилишни ўғитиш чораси қўрилади. Зеро, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, олдига интилган одамгина оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бир қаторда Ватан равнақи йўлида ҳам хизмат қила олади.

Шу мақсадда бу йил маҳаллаларда аҳолини касб-хўнарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар очилади. Бундай ўқув марказларига касб-хўнарга ўқитилган ҳар бир шахс учун 1 миллион сўмгача субсидия берилди. Шу мақсадда бюджетдан жами 100 миллион сўм маблағ ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмгача субсидиялар берилди. Деҳқончилик билан шуғулланидиган оилаларга эса ҳар бир туманининг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратилади.

Бу жараёнларнинг барчаси маҳаллий Кенгашларнинг диққат марказида бўлади. Туман ва шаҳар ҳокимлари ўз ҳудуди учун ишлаб чиқилган камбағалликни қисқартириш бўйича манзилли дастур ижроси юзасидан ҳар чорақда маҳаллий Кенгашларда депутатларга, оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб боради. Ҳисоботларни эшитиш асосида депутатларимиз "Дастур нега бажарилмади?" ёки "Бунга ким жавоб беради?" деган саволлар билан чекланиб қолмасдан, муаммоларни жойига чиқиб ўрганади, уни ҳал этиш чорасини кўради. Маҳаллий даражада ҳал этилиши мумкин бўлмаган масалалар Олий Мажлис Сенатига олиб чиқилади.

Дастурлар ижросини ким назорат қилади?

Маълумки, юртимизда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат ва маҳаллий дастурлар, шу

нингдек, инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этиб келинмоқда. Натижада оиласиз манзилларимиз обод бўляпти, одамларимиз ислохотлар самарасини ўзларининг кундан-кунга яхшиланиб бораётган турмуши мисолида кўриб-билиб турибди.

Ҳўш, юқорида тилга олинган дастурлар ижросини ким назорат қилади? Албатта, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳам, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам бунга ваколатли. Аммо биринчи ўринда масъул, бу — маҳаллий Кенгаш, деган бўлардим. Негаки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўзларининг ҳудудда қандай дастурлар ҳаётга татбиқ этилаётгани-ю, улар қандай самара бераётганлигини бошқалардан кўра яхши билади. Муаммолардан ҳам бевосита хабардор. Шундай экан, бу ўринда маҳаллий Кенгашлар депутатлари кундан-кунга фойдаланиш энг тўғри ва самарали йўллар.

Албатта, бу борада тажрибамиз ҳам бор. Бу ўринда гап Сенат томонидан Қорақалпоғистон Республикасини ривожлантириш дастури ижроси юзасидан йўлга қўйилган парламент назорати хусусида бормоқда. Ушбу амалиёт бугун ўз самарасини бериб келяпти.

Жойларда амалга оширилаётган давлат дастурлари ижроси назорати бўйича ҳам шу тажрибани қўллашимиз. Яъни 2021 йил учун мўлжалланган дастурларни ҳар бир туман, ҳар бир маҳалла кесимида таҳлил қилиб, уларнинг ижроси устидан назорат олиб бориш учун ўша ҳудуд, яъни шу округдан сайланган 4 нафар депутатни масъул этиб белгилайди. Бордию дастурларнинг қай-сидир банди бажарилмаётган бўлса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва ҳудуддан сайланган сенаторлар орқали масала Сенатнинг тегишли кўмитасига олиб чиқилади ҳамда тегишли вазирликка сўров жўнатилади, пиروвард натижада муаммо ҳал бўлишига эришилади.

Қўлдан буён ўйланган келаётган яна бир муаммо — маҳаллий бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш масаласи. Бугунги кунда Давлат бюджетни тасдиқлашдан тўртинчи, унинг ижроси назоратига бўлган барча жараёнда Олий Мажлис палаталари фаол иштирок этиб келмоқда. Бирок маҳаллий бюджетлар-чи? Унинг тасдиқлаши ижроси билан ким қизиқад?

Мантқан қаралганда, бунга, биринчи навбатда, маҳаллий Кенгашлар ҳақи. Аммо шу пайтгача амалиётда бутунлай бошқа манзаранинг гувоҳи бўлиб келяпти. Яъни маҳаллий Кенгаш ишлатиб бўлинган бюджет маблағлари сарфланганлигини тасдиқлаб бериш билангина кифояланиб қолаётми. Аслида, бу мантқиқсизликдан бошқа нарса эмас...

Мурожаатномада ушбу масалага ҳам ечим топиб берилди. Эндликда маҳаллий халқ вакиллик органлари бюджетни ижрога йўналтиришга рухсат берувчи органга айланади. Бу, албатта, катта куч ва меҳнат талаб қилади, аммо шунга эриша олсак, олдимизга қўйган муҳим вазифалардан бирини уддалаган бўламиз.

Ваколат ва масъулият

Одамларнинг тўқис ҳаёт кечириши, ўзини ҳар томонлама бахтли ҳис этиши учун, аслида, кўп нарса талаб этилмайди. Яъни ишлари учун шарт-шароит, шунингдек, истиқомат қилаётган жойида етарли инфратузилма бўлса бас.

Халқимизнинг орзу-интилишларини, жойлардаги мавжуд ҳолатни юракдан ҳис этган ва яхши англаган давлатимиз раҳбари Мурожаатномада жорий йилда республикамизда илк мартабо ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 3 триллион сўм маблағга эга алоҳида жағма тузиш таклифини илгартириди. Мазкур масаланинг мавзусига алоқадор ҳижрати шундаки, жағмага маблағлари маҳаллий Кенгашлар тақлифларига асосан муайян лойиҳаларга йўналтирилади.

Қолаверса, депутатлар назорат тадбир-

ловчилар ишончига қиради, оддий айтганда, "халқ вакили" деган номни оқлайди.

Ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси борасида ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатларига янги ваколатлар берилди. Эндликда бундай лойиҳалар, аввало, маҳаллий Кенгашлар муҳокамасидан ўтказилади.

Халқаро молия ташкилотлари ёки хорижий давлатлардан қарз нима учун олинади? Албатта, янги-янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилиш, бунёдкорлик ишларини изчиллик билан давом эттириш, муҳтасар айтганда, давлатни ривожлантириб, халқимизни рози қилиш ҳамда олинади ва шу мақсад йўлида сарфланади. Бироқ мазкур жараёнда "Халқимиз хоҳиш-истаклари қай даражада инobatта олинади ва бу қай тариқа амалга оширилади?" деган савол туғилади.

Аҳоли халқаро молия ташкилотлари ёки хорижий давлатлардан олинаётган қарз маблағларининг қаерга, қандай сарфланаётганидан хабардор бўлишга ҳақиқ. Табиийки, бу сенаторлар ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари орқали амалга оширилади керак. Аммо таассуфларлиси, ҳозиргача маҳаллий Кенгашларнинг бу жараёндаги иштироки сезиларли даражада эмас.

Шу сабабли Мурожаатномада ташқи қарз ҳисобидан ҳудудларда амалга ошириладиган лойиҳалар бундан буён маҳал-



сияси маҳаллий Кенгашлар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, қолаверса, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан биргаликда бу масалани ўрганиб чиқмоқда. Бундан қўзланган мақсад — "маҳалла сўрови" институтини жорий қилиш ҳамда маҳаллий Кенгашларга маҳалла томонидан масала киритиш механизмини ишлаб чиқишдир.

Этиборлиси, ушбу тизим йўлга қўйилган ҳамда маҳаллий Кенгаш учун энг яқин кўмакчи айланади. Зеро, маҳалла ҳудудини, унинг ўзига хос жиҳатлари, муаммо ва ютуқларини маҳалладан яхшироқ биладиларини йўқ. Демак, фуқаролар йиғинлари томонидан шу ҳудудга доир муаммолари масалалар ёки янги лойиҳалар бўйича тақлифлар маҳаллий Кенгашга киритилади. Масала қуйида ҳал бўлмаса, Сенатта ва тегишли вазирликлар ёки ҳукуматта тақдим этилади.

Маҳаллий Кенгашлар мустақиллиги сари

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятини такомиллаштиришдаги яна бир муҳим масала, бу уларнинг мустақиллигини таъминлашдан иборатдир.

Маълумки, айна дамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари жамоатчилик асосида фаолият олиб боради, яъни уларнинг ҳар бири ўзининг асосий ишини давом эттиради: қай-сидир депутат — тадбиркор, бошқаси — ўқитувчи, яна бири — жамоат ташкилоти вакили ва ҳоказо.

Шу боис "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунга биноан маҳаллий Кенгаш фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатдан хизматлар тегишли ҳокимлик аппарати томонидан кўрсатиб келинган. Сессияларни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча масала ҳам ижро ҳокимияти томонидан амалга оширилган. Бу эса маҳаллий Кенгашларнинг ижро ҳокимиятидан мустақиллигини чеклаб қўйган.

Мана шундай ҳолатнинг олдини олиш мақсадида 2020 йилда қонунга ўзгартириш киритилди, унинг асосида Сенат Кенгашининг қарори қабул қилинди, энди маҳаллий Кенгаш фаолиятига унинг доимий асосда ишловчи котибияти томонидан хизмат кўрсатилади.

Котибиятлар маҳаллий Кенгаш фаолияти бўйича барча масалада, хусусан, иш режа ишлаб чиқишдан тўртинчи, сессияларни ташкил этиш, масалаларни муҳоамага тайёрлаш, мурожаатлар билан иш-

лаш, депутат сўрови натижаларини мониторинг қилиб бориш, Кенгаш қарорлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш каби вазифалар бўйича депутатларга амалий ёрдам кўрсатади.

Айни дамда маҳаллий Кенгашлар котибиятлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ташкилий масалалар ҳал этилмоқда. Ўйлайманки, бу вакиллик органини ижро ҳокимиятидан ажратилган дастлабки қадам сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Аччиқ бўлса-да, ҳақиқат...

Маълумки, бугунги кунгача маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг 25 дан ортиқ масалалар бўйича маҳаллий Кенгаш сессиясида ҳисобот ва ахборот бериши белгилаб қўйилган. Бу албатта, яхши. Аммо жойларда бўлганимизда баъзи маҳаллий Кенгашларда ҳисобот ёки ахборотни эшитиш у ёқда турсин, улар иш режасига ҳам киритмаганлигига гувоҳ бўлганмиз. Иш режага киритилмаган тадбирларнинг ўтказилганига эса ишониб қийин.

Мавжуд воқеликдан келиб чиқиб, эндиликда ҳисобот ва ахборотларнинг ҳаммаси маҳаллий Кенгашлар иш режасига киритилиши билан бирга, улар ижросини тўла таъминлашни ўзимизга галдаги вазифа қилиб белгилаб олдик.

Олдимизда турган долзарб масалалардан яна бири — маҳаллий Кенгашлар депутатлари масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини мазмунан бойитиш.

Бу ҳақда бежиз сўз очмадик. Бизга аҳолидан бўлаётган мурожаатлар орасида маҳаллий Кенгашлар ва депутатлар ишидан мамнунлик ҳисси билан битилган миннатдорлик хатлари баробарида, баъзи депутатларнинг маҳалла бирор марта келмаганлиги ёки мурожаатларга жавоб бермаганлиги ҳолатлари акс этган шикоятлар ҳам талайгина. Бу баъзи ҳудудларда маҳаллий Кенгашлар фаолияти қониқарли даражада йўлга қўйилмаганини англатади. Бу аччиқ бўлса-да, ҳақиқат...

Бундан буён салкам анъанага айланган аҳолидан шундай салбий ҳолатларга чек қўйишимиз керак. Шу мақсадда жорий йилда ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуд аҳолиси — сайловчилари билан бевосита мулоқотни йўлга қўяди, муаммоларини ҳал этишга яқиндан кўмаклашади, асосиз масалани кўтарган фуқарога қонуний тушунтиришлар беради.

Бу борада бир нарсани эсдан чиқармаслик лозим: ҳал этилмаган ёки тўғри тушунтирилмаган ҳар қандай масала ижтимоий қайғиёғача салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу маънода, ҳар бир масалага алоҳида масъулият билан ёндашиш ниҳоятда муҳим.

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар вакиллик органлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Ҳар бир сенатор, ҳар бир депутат, аввало, эл-юрт дарду ташвиши билан яшаши, мамлакат ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида бор кучи ва билиминини сафарбар этиши талаб қилинади. Ўйлайманки, маҳаллий Кенгашлар депутатлари берилган ваколатлардан самарали фойдаланган ҳолда "Ешларни қўлаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" дея ном олган жорий йилда Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда муносиб ҳисса қўшадилар.

Бугунги кунда республикамизда 218 та маҳаллий Кенгаш мавжуд.

УЛАРДА

6 минг 567 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилда маҳаллий Кенгашлар фаолиятини кучайтириш учун қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади:

- ✓ маҳаллий давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг 25 дан ортиқ масалалар бўйича маҳаллий Кенгашлар сессиясида ҳисобот ва ахборот бериши белгиланган бўлиб, ушбу масалалар маҳаллий Кенгашлар иш режасида тўлиқ акс эттирилиши таъминланади;
- ✓ маҳаллий Кенгаш маҳаллий бюджет маблағлари сарфланганлигини тасдиқлаб берувчигина эмас, аксинча, бюджетни ижрога йўналтиришга рухсат берувчи органга айлантирилади;
- ✓ маҳаллий Кенгашларда ҳар чорақда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимининг ҳудудда камбағалликни қисқартириш мақсадида ишлаб чиқилган манзилли дастур ижроси бўйича ҳисоботини эшитиш йўлга қўйилади;
- ✓ "темир дафтар", "аёллар дафтари", "ёшлар дафтари" бўйича чора-тадбирлар дастурлари ижросига катта эътибор қаратилади. Яъни сектор раҳбари томонидан тегишли дафтардан чиқариш бўйича киритилган рўйхатдаги ҳар бир фуқаронинг оиласини жойига чиқиб ўрганиш амалиёти жорий этилади.

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАДИ?

Шунингдек, генерация қувватларини кучайтириш бўйича эълон қилинган танловлар юзасидан ҳам бир қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, Халқаро молия корпорацияси ва Осие таракқиёт банкнинг техник кўмагида Самарқанд, Жизза ҳамда Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 600 МВт ва қиймати 535 миллион АКШ доллари бўлган қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш бўйича тендер савдолари давом этмоқда. Режага кўра, станциялар 2023 йилнинг биринчи яримдан тўлиқ қувватда ишлашни бошлайдиган ҳамда йиллик 1,05 — 1,240 млрд. кВт/соат қўшимча электр энергияси ишлаб чиқаради.

Тадбирга газ таъминоти масалалари ҳам депутатлар эътиборида бўлди. Таъкид-

ланганидек, газ таъминоти тармогини тубдан такомиллаштириш ва соҳани халқаро бизнес юритиш стандартлари даражасига олиб чиқиш мақсадида ОТБ халқаро консултантини — "Arild Dyrseth" (Норвегия) билан биргаликда "Узтрансгаз" АЖнинг Корпоратив трансформация режаси ҳамда ислохотлар "Йўл харитаси" ва табиий газ бозорини ташкил этиш бўйича таклифи ишлаб чиқилган. Унга кўра, "Узтрансгаз" АЖни газ узатиш тизимини ягона операторига айлантириш ҳамда газ таъминоти бозорига эркин рақобат муҳитини яратиш, иштирокчилар қатнаша оладиган Табиий газ биржасини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда, 2021 йил 1 апрелга қадар ха-

ридлар ва бошқарув тизимларини аудитдан ўтказиш ҳамда "мувофиқлик тизими" (комплаенс) ва коррупцияга қарши хизматларни шакллантиришни назарда тутадиган замонавий корпоратив бошқарув тизимига ўтилади. Молиявий соғломлаштириш, операция самарадорлигини ошириш, уч йиллик бизнес-режа ҳамда ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси нуфузли халқаро консалтинг ташкилотлари билан ҳамкорлик этиш бошланади. Таъкид қилинади, шунингдек, "Бошлар оқибидан" бўлиб, маҳаллий Кенгашлар аҳолининг мувофиқ, "Узтрансгаз" АЖни газ узатиш тизимининг босқичма-босқич соф операторига айлантириш амалга оширилади.

Тадбирда таъкидланганидек, ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар биржа орқали та-

бийи газни сотиш ҳамда улгуржи истеъмолчилар табиий газни сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади. "Узтрансгаз" АЖ эса фақат газ транспортровкиси билан шуғулланади. Депутатлар бунга эришиш учун бир қанча бозор механизмларини назарда тутувчи чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигига эътибор қаратилган. Хусусан, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан қатор тақлифлар билдирилди.

Яқинда энергетика соҳасида келгусида бажариладиган ишлар юзасидан кўмитанинг тегишли тақлиф ва тавсиялари ишлаб чиқилди.



Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик институтларининг иштироки масалаларига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

Унда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва бола ҳуқуқлари бўйича мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тизимли ишлар ва атрафчилик муҳоама қилинди. Шу билан бирга, Мурожаатномада белгиланган "мониторинг ташрифлари" тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, "Бошлар оқибидан" бўлиб, маҳаллий Кенгашларнинг қўлини қўлаб-қувватлаш тақлифлари ва ташаббуслар ўртага ташланди.

ННТ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида Президентимизнинг Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик институтларининг иштироки масалаларига бағишланган давра сўхбати ўтказилди.

Унда бугунги кунда инсон ҳуқуқлари ва бола ҳуқуқлари бўйича мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тизимли ишлар ва атрафчилик муҳоама қилинди. Шу билан бирга, Мурожаатномада белгиланган "мониторинг ташрифлари" тизимини йўлга қўйиш, шунингдек, "Бошлар оқибидан" бўлиб, маҳаллий Кенгашларнинг қўлини қўлаб-қувватлаш тақлифлари ва ташаббуслар ўртага ташланди.

Мухоамаларда депутатлар Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қув-

даги долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этишга имкон яратади. Бу ишларни ташкил қилиш учун келгуси йилда бюджетдан ажратилган 60 миллион сўм маблағни ўзаро ҳамкорликда, Олий Мажлис палаталари билан ўрганишлар олиб бориб, ҳудудлардаги муаммоларни аниқлаш, уларни бар-тараф этиш чораларини кўриш, муҳим ижтимоий лойиҳалар учун грантлар эълон қилиш лозимлиги айтилди.

Яқинда ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган йирик лойиҳалар бўйича тақлифларини тақдим этди ва қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олindi.

Мухими, бу саъй-ҳаракатлар ижтимоий шериклик асосида таълим, маданият, экология, қурилиш, кадастр, транспорт, бандлик соҳаси-



АРМИЯ ВА ХАЛҚ — БИР ТАҢУ БИР ЖОН!

Қуролли Кучларни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги, шайлиги ва қобилиятини ошириш, миллий армиямизнинг халқро нуфузини юксалтириш масалалари мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучлар, ҳарбий округлар кўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида "мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларимизни давом эттирамиз. Хусусан, Қуролли Кучларимиз кудратини, кўшинларнинг профессионал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-

Кейинги йилларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам бутунлай янги сифат босқичга кўтарилди. Зеро, мутафаккир бобомиз Алишер Навоий қайд этгандек, "бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи,

Армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жаҳиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ҳамда тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланган бораётди.

Байрам кунларида барчамиз Ватан, халқ ва армия бири-бирига нақадар яқин ҳамда муштарак эканини ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этмоқдамиз. Ана шундай ислохотлар туяйли "Армия ва халқ — бир тану бир жон!" деган олижаноб ғоя ҳамда амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмақда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифаси, балки шарафли бурчимизга айланган бораётганидан яққол далолат беради.

Полковник Азизном ТОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Қуролли Кучлар Академияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Шавкат Мирзиёев вилоятимизга ташрифи чоғида Марказий ҳарбий округнинг артиллерия бригадасининг бугунги ҳолати, иш фаолияти ва у ерда яратилган шарафли, шунингдек, "Фориш" тоғ полигониди мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар тайёргарлиги билан танишди.

НАВБАТДАГИ ИШЛАРИМИЗ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ

Танишув жараёнида қилинаётган ишлар эътироф этилган ҳолда, биз учун ҳам муҳим топшириқлар берилди.

Биринчи навбатда, ҳарбий қисмларга катта маблағлар давлат ва маҳаллий ҳокимият томонидан жалб қилиниб, жуда яхши шaroитлар яратилмоқда. Шунини инобатга олиб, "Фориш" тоғ полигонини ва ҳарбий қисмларда яратилган шaroитлар билан ёшларни кўпроқ таъминлаш ишлари шунингдек, яхши шaroитлар ташкил этиш бўйича ҳам зарур вазифалар белгиланди.

Давлат раҳбари томонидан ҳар битта туман ҳамда шаҳарда ҳарбий йўналишдаги мактабларни ташкил этиш бўйича ҳам зарур вазифалар белгиланди.

Албатта, бундан келиб чиқиб, аввало, "ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни шу тадбирларга жалб этишни ўз олдимишга мақсад қилдик.

Президентимиз ҳарбий қисмларда "аутсорсинг" хизматлари ташкил қилинганга алоҳида эътибор қаратди. Эндиликда "аутсорсинг" хизматларини кўрсатуви корхоналарни ҳам кластер усулида ташкил қилиб, шу жойнинг ўзида кўбчилик, балиқчилик, чорва моллари, ундан ташқари, картошка, буғдой каби маҳсулотларни етиштиришни ҳам кластер орқали амалга ошириш мақсади қўйилди.

Айниқса, кластерлар шу маҳсулотларни ўзининг ерида ўзи етиштирадиган бўлса, бу — маҳсулотларнинг янада арзонлашувига олиб келади. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳарбийларимизга

Эргаш САЛИЕВ,
Жиззах вилояти ҳокими.

ЁШЛАРНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШТИРГАН АНЖУМАН

Наманган вилоятининг олис ва чегарадош қишлоғи — Нанайда ҳарбий ватанпарварлик фестивали ўтказилди. Анжуман аввалда иштирокчилар учун "Ватанпарвар" ташкилотининг автомобиллари ҳамда ҳарбий техникалари, махсус бўлималарнинг чиқишлари билан бирга, Янгиқўрғон туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг жанговар саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Фестиваль доирасида бўлиб ўтган "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви, айниқса, самарали кечди. Унда ёшлар вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкатжон Абдуразоқов ҳамда сектор раҳбарларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, батафсил жавоб олди. Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда тўлланганларга қувончли хабар, яъни 20 нафар талабанинг бир йиллик шартнома пули тўлаб берилиши эълон қилинди.

Шу куннинг ўзида тумандаги Бешбулоқ маҳалласида "Мадина Шоҳруҳ текстиль" корхонасининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Айтиш лозимки, корхонанинг ишга туширилиши натижасида 300 га яқин иш ўринлари яратилди. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2,5 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулотларини ташкил этади.

Келажакимиз эгаларини янада жипслаштириб, янгидан-янги марраларга чорловчи бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

Сафарбарлик чақируви резерви батальонининг замонавий биноси

Ватан ҳимоячилари кунини арафасида Нукус гарнизонидида қайта таъмирланган Сафарбарлик чақируви резерви (СЧР) батальонининг биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари кўмондони, полковник Фарходжон Шерматов ҳарбий хизматчиларни яқинлашиб келаётган байрам — Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини билан табриқлади.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар учун қулай маъмулий шaroит яратиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётди. Ҳарбий қисмларнинг ўқув-моддий базаси, ҳарбий шаҳарча ва полигонларнинг инфратузилмаси тубдан янгилашмоқда.

Соҳада янги бошқарув тузилмаси, ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилгани халқ ва армия ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Ушбу секторлар ташкил этилганидан буюн "Армия ва халқ — бир тану бир жон" шiori остида ҳарбий инфратузилмаларни модернизация қилиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур батальоннинг қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган биноси ушбу ҳамкорлик натижасидир.

Ушбу замонавий маскан сафарбарлик чақируви резерви хизматига келган йигитлар учун назарий билимларни ўзлаштирадиган, уларни ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялайдиган асосий билим даргоҳларидан бирига айланган, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари Муратбай Жуманов. — Президентимиз томонидан Ватан ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларига яратилаётган қулайликлар ҳамда шарт-шaroитларга ҳарбий хизматчилар ўзларининг фидокорона хизматлари билан муносиб жавоб қайтаришига ишончимиз комил.

Айтиш жоизки, 500 ўринга мўлжалланган СЧР батальони биноси уч қаватдан иборат бўлиб, олдин бу ерда хизматчиларнинг яшashi ҳамда сифатли таълим-тарбия олиши учун шарт-шaroит ва қулайликлар етарли даражада эмас эди. Капитал таъмирлаш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди, эскирган меъбел ва жиҳозлар янгиланди. Бино бутунлай кўркам қиёфа касб этди.

Мажмуанинг очилиш маросимидан сўнг ташриф буюрган меҳмонлар ушбу иншоот қиёфасида мамлакатимизда ҳарбийларга кўрсатилаётган юксак эътибор, яратилаётган қулай имкониятлар билан яқиндан танишди.

Файрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).



ОИЛА ТИНЧ, ХИЗМАТ БАДАСТИР

Олотлик меҳнат фаҳрийси Меҳмонкули Яхшиевнинг ҳаётида эсда қоларли давлар кўп бўлган. Аммо бугунгиси узгача.

— Икки ўғлим ҳарбий хизматчи, — дейди отахон. — Яқинда уларнинг бирига Тошкент, иккинчисига Бухоро шаҳридан уй берилди. Фарзандларим Ватанимизга сидқидилдан хизмат қилиб, эл-юрт ишончини оқлагига ишонаман, албатта.

Меҳмонкули ака билан сержант Хушвақт Яхшиевнинг янги икки хонали уйда суҳбатлашдик. Хушвақт Наманган вилоятининг Поп туманида хизмат бурчини ўтаётди. Йигирма йилдирки, Ватан ҳимоячилари сафиди. Уч фарзанд бор. Оиласи уй-жойга эҳтиёж сезаётган эди. Орузси ушалди. Энди кўнгли хотиржам.

— Нукус шаҳрида хизмат бурчимни ўтаётман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз сержант Зафар Раҳмонов. — Уч нафар фарзандим бор. Бугун қувончимизнинг чеки йўқ. Менга ҳам Бухоро шаҳрида қурилган шинам уйлардан бири ажратилди.

Янги уйли бўлганлар қаторида Жондор туманидаги 37-умумтаълим мактаби ўқувчиси Сарварбек Фарҳодов ҳам бор. У — марҳум ҳарбий хизматчи Фарход Жабборовнинг фарзанди. Жабборовлар оиласига уч хонали уй ажратилди. "Келажакда худди отам каби Ватан ҳимоячиси бўламан", дейди қатъият билан Сарварбек.

Чегараларимиз дахлсизлиги, эл-юрт осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани сидқидилдан бажариб келаётган соҳа ходимлари давлатимизнинг доимий эътиборида. Ватан ҳимоячилари кунини арафасида Бухоро шаҳрида улар учун 60 хонадонга мўлжалланган иккита кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳарбий хизматчилар оилалари учун қурилган бу уйлар алоҳида иситиш тизимига эга, кенг ва ёруғ. Тураржойлар атрофида болалар ўйингоҳи ҳамда бошқа зарур қулайликлар яратилган.

Шу муносабат билан ўтказилган тантанали тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Б. Зарипов тўплаганларни байрам билан табриқлаб, хонадон эгаларига янги уйлар қалитини топширди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).



Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишылган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8784

Ташрифта келган қўбандош тақрир қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета ташрифт компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.35 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6